



Ҳ И С О Б О Т

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари
бўйича вакилининг (омбудсманнинг) 2007 йилдаги
фаолияти тўғрисида**

Кириш

Ўзбекистон Республикасининг икки палатали парламенти фаол ишлаб турган шароитда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) институти ўз ишини мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий ҳаётни янада демократлаштириш ва модернизация қилиш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, жамиятда сиёсий партиялар таъсирининг ўсиши асносида рўй бераётган жараёнларга мувофиқ равишда, ўзи фаолият олиб бораётган ўн икки йиллик даврда мамлакатимиз фуқароларининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш бўйича тўпланган тажрибадан, давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари, шунингдек мансабдор шахслар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш шакллари ва механизмларидан фойдаланган ҳолда амалга оширди.

Парламент палаталарига тақдим этилаётган ушбу ҳисобот парламент Омбудсман институтининг 2007 йилдаги фаолияти яқунларини, Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларининг турли жиҳатларини таъминлашнинг энг долзарб масалалари бўйича муаммолар таҳлилини ҳамда уларни ҳал этиш йўлларини, миллий ва чет эллик шериклар, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорликнинг амалий масалалари ҳамда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича ахборот-маърифий ишларнинг ўтказилиши тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга кўмаклашиш ва мазкур ҳужжатларга риоя этилиши мониторинги

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш устидан парламент назоратини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг роли катта бўлиб, у ўзига берилган воситалар ёрдамида нафақат бузилган ҳуқуқларнинг тикланишига, балки Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга ҳам ёрдам бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга кўмаклашишга қаратилган фаолияти 2007 йилда **қуйидаги йўналишларда** амалга оширилди:

- қонун лойиҳаларини ҳуқуқий экспертиза қилиш, парламент, ҳукумат, вазирликлар ва бошқа ташкилотлар томонидан тақдим этилган қонун лойиҳаларига хулосалар тайёрлаш;

- Инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликлари бўйича комиссиянинг, Эксперт кенгашининг аъзоларини, Вакил ходимларини тегишли қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш учун ишчи гуруҳларига экспертлар сифатида жалб этиш;

- инсон ҳуқуқлари мониторингини ўтказиш яқунлари бўйича қонунлар қабул қилиш ёки амалдаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектларига мурожаат қилиш.

Ҳисобот даврида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар ва бошқа давлат органлари томонидан парламентга киритилган, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси қўмиталари тақдим этган қонун лойиҳаларини инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида экспертизадан ўтказди. Чунончи, “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни айрим моддаларининг амал қилишини вақтинча тўхтатиб туриш ҳақида”ги (биринчи ўқиш), “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги, “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига қўшимча киритиш ҳақида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ва “Бож тарифи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 33-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ва “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги, “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги, “Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ва бошқа қонун лойиҳалари ўрганиб чиқилди (*илова 1*).

Омбудсманнинг Қонунчилик палатаси ва Сенат қўмиталари билан ҳамкорлиги инсон ҳуқуқларининг турли жиҳатларига тааллуқли қонун ҳужжатларининг экспертизасини ўтказишдангина эмас, балки инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишига доир мониторинглар якунлари бўйича ахборот алмашишдан, биргаликда учрашувлар, семинарлар, тренинглар, давра суҳбатлари ташкил этиш ва ўтказишдан, хусусан, парламентнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ҳамда Демкоратик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси билан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги тадбирларда иштирок этишдан иборат бўлди. Адлия вазирлиги билан биргаликда миллий қонун ҳужжатларини “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштириш масаласига бағишланган давра суҳбати ташкил этилиб, унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, миллий шериклар ва чет эллик экспертлар иштирок этдилар.

Инсон ҳуқуқларининг турли жиҳатларини таъминлаш мониторингини ўтказиш Омбудсманнинг ҳисобот давридаги фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўлди.

Омбудсманга қишлоқдаги иқтисодий муносабатларга доир мурожаатларнинг кўпайганлиги “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ фермерлар ҳуқуқларининг таъминланиши мониторингини ўтказиш учун асос бўлди. “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қоидаларига риоя этилиши мониторинги Тошкент вилоятининг Пискент ва Бўка туманларидаги турлича ихтисослашган (пахтачилик, чорвачилик, ғаллачилик,

боғдорчилик, сабзаёт-полизчилик, узумчилик) фермер хўжаликлари мисолида ўрганилди. 2007 йилнинг биринчи ярим йиллигида Пискент туманидаги 20та фермер хўжалигида ва Бўка туманидаги 39та фермер хўжалигида фермерлар ҳуқуқларининг таъминланиши мониторинги ўтказилди.

Мониторинг яқунлари бўйича тайёрланган таҳлилий ҳисоботда фермерлар ҳуқуқларига риоя этилишига доир амалдаги қонун ҳужжатлари қандай бажарилаётгани ҳақидаги ахборот ўз аксини топди, қишлоқ меҳнатчилари ўз фаолиятларида дуч келаётган муаммолар аниқланди, норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштиришга ҳамда фермер хўжаликлари аъзоларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган тавсиялар таърифлаб берилди.

Тўпланган тажриба, мониторинг материаллари 2008 йилда мамлакатимизнинг барча минтақаларида фермерларнинг ҳуқуқлари таъминланиши мониторингини ўтказиш учун асос бўлади, бу иш минтақавий вакиллар томонидан адлия, прокуратура органлари, Ўзбекистон Фермерлар уюшмасининг қуйи тузилмалари, нодавлат ноижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакилларининг бевосита иштирокида амалга оширилади.

Ҳисобот йилида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази иштирокида ўтказилган мониторинг яқунлари чиқарилди. Мониторингнинг мақсади Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида мулкчиликнинг турли шаклларида мансуб тўқимачилик саноати корхоналарида ишлаётган хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш борасида Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига амал қилинишини ўрганишдан иборат бўлган эди.

Ишлаб чиқилган тавсиялар бир қатор камчилик ва нуқсонларни, хусусан, хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган амалдаги қонун ҳужжатлари қоидалари қўпол равишда бузилиши, хотин-қизларга ва оилавий мажбуриятлар билан банд шахсларга имтиёзлар бериш ҳақидаги қонунчилик йўли билан мустаҳкамлаб қўйилган қоидаларга, техника хавфсизлигини таъминлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш ва ишлаб чиқариш маданиятини юксалтириш бўйича талабларга риоя этилмаслиги ҳолларини бартараф этишгина эмас, балки келгусида бундай камчиликларнинг олдини олиш, шунингдек хотин-қизларнинг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларидан ҳуқуқий хабардорлигини ошириш, мулкчиликнинг турли шаклларидаги ишлаб чиқаришда иштирок этувчи аёлларнинг ҳуқуқларини тушунтириш ва ҳимоя қилиш юзасидан касаба уюшмалари ташкилотлари ва хотин-қизлар кенгашларининг ишини кучайтиришга қаратилган тавсиялар тақдим этиш имкониятини берди.

Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ҳамда бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш соҳасидаги фаолият

Ўзбекистон фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва чет эл фуқароларининг шикоятларини ҳал этиш, шунингдек уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашда кўмаклашиш Омбудсманнинг устувор вазифаларидан бири бўлиб, бу вазифа давлат органлари, шу жумладан судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда амалга оширилди.

Турли давлат органларига мурожаат этишдан иборат ўз конституциявий ҳуқуқларидан фойдаланиб, **8611** фуқаро Омбудсман институтига ўз шикоят ва аризасини йўллади, шу жумладан минтақавий вакилларга – **1244** та, марказий идорага – **7367** та шикоят ва ариза тушди, бунда **5372** та мурожаат мамлакатимиз ҳудудларидан (мурожаат этганларнинг **2848** нафари аёллар), **19** таси пенитенциар муассасалардан олинди, **17** та мурожаатда уни йўловчининг манзили кўрсатилмаган, **1250** таси такроран йўлланган. **715** та мурожаатга “ишонч телефони” орқали юридик ва бошқа маслаҳатлар берилди. Фуқароларнинг қонуний манфаатлари бузилишлари тўғрисида Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилнинг марказий идорасига тушган шикоятлардан **2053** таси назоратга олинди. Бунда **1499** таси ҳозирдаёқ кўриб чиқилди, шу жумладан **360** таси ижобий ҳал этилди, қолган **554** таси кўриб чиқишда бўлиб, ҳал этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили номига тушган мурожаатлардан **1248** таси қабул вақтида тушди, шунингдек **544** та жамоавий шикоят олинди (*илова 2, 3*).

Омбудсман томонидан шахсан **14** та қабул ўтказилиб, уларда мурожаат этганлардан **236** нафари қабул қилинди, бунда **100** та шикоят назоратга олинди, **82** та мурожаат бўйича маслаҳат ва тушунтириш берилди. Фуқароларнинг **8** та мурожаати Омбудсманга сайловчилардан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сенаторлари ва Қонунчилик палатаси депутатлари орқали топширилди. Шунингдек Вакилга турли давлат органлари, жамоат ташкилотлари, адвокатлар ва оммавий ахборот воситалари орқали топширилган мурожаатлар сони кўпайди.

Шунингдек Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил томонидан мамлакат минтақаларига, шу жумладан Бухоро, Наманган, Самарқанд, Фарғона ва Тошкент вилоятларига бориб, фуқаролар қабули ўтказилди. Фермерлар ҳуқуқларини таъминлаш мониторингини ўтказиш жараёнида Омбудсман Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё тумани, Андижон вилоятининг – Асака, Наманган вилоятининг – Наманган, Тошкент вилоятининг Бўка ва Пискент туманлари қишлоқ хўжалиги ходимлари билан учрашди. Жойларда бўлган даврда маҳаллий ҳокимият органлари, Ўзбекистон Фермерлар уюшмасининг минтақавий бўлимлари ва Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилнинг минтақавий вакиллари фаолиятида инсон ҳуқуқларини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди. Минтақаларнинг, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмаларнинг раҳбарлари билан учрашувлар ҳам ташкил этилди, пенитенциар тизими муассасалари мониторинги ўтказилди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил томонидан **8** та хулоса тайёрланиб, шуларнинг **4** таси Ўзбекистон Республикаси Олий судига, **1** таси Тошкент вилоят прокуратурасига юборилди.

Фуқаролар ўзлари учун муҳим бўлган муаммоларни баён қилиш ҳуқуқини рўёбга чиқарган ҳолда нафақат анъанавий усуллардан, балки Интернет ва факсимил алоқа имкониятларидан фойдаланиб, Ўзбекистоннинг барча минтақаларидан турли масалаларга доир ўз шикоятларини парламент Омбудсмани манзилига йўллаганлар. Фуқароларнинг энг кўп мурожаатлари Тошкент шаҳридан, Сурхондарё, Қашқадарё, Тошкент ва Самарқанд вилоятларидан йўлланган (*илова 4*).

Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилига мурожаатларида, ўтган йилда бўлганидан, кўпроқ ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларни таъминлаш – **2082** та (**38,8%**), эркинлик ва шахсий дахлсизлик,

инсоний муомалада бўлиш ва шахсий қадр-қимматни ҳурмат қилиш – **1210** та (**22,5%**), судда ишнинг адолат билан кўриб чиқилиши ҳуқуқига риоя этиш – **1164** та (**21,7%**) билан боғлиқ муаммолар кўтарилди (*илова 5*).

Ўзбекистон фуқароларининг мурожаатларидан ташқари чет давлатлар фуқаролари ва омбудсманларидан ҳам **42** та шикоят тушди (*илова 6*).

Ҳисобот йилида такрорий мурожаатлар сони ўтган йилдагига қараганда мурожаатларнинг умумий сонига нисбатан кўпайди (2006 йилда – **878** та, 2007 йилда **1250** та), бу айрим маҳаллий ҳокимият тузилмалари ва бошқарув органлари парламент Вакили юборган шикоятларга етарлича эътибор бермаганлигини ҳамда самарасиз ҳал этганлигини кўрсатади. Ваҳоланки, Вакил уларни давлат ҳокимияти органлари жумласидан бўлган миллий шериклар, шу жумладан суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар билан ҳамкорликда ҳал этишга интиланган эди. Шу билан бир вақтда, кўриб чиқилиши Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ваколатига кирмайдиган мурожаатлар сони кўпайдики, бу, биринчидан, мутасадди органлар ва шахслар фуқароларнинг аризаларини ҳал этиш юзасидан зарур чоралар кўрмаётганликларини, иккинчидан, демократик давлатда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи қўшимча институт бўлган парламент Омбудсманнинг вазифалари ва имкониятларини тушунтириш ишлари етарли эмаслигини ҳамда аҳолини ҳуқуқий ахборотдан воқиф этиш ишида камчиликлар борлигини кўрсатади.

Ўзбекистонда самарали бошқарувнинг жаҳон стандартлари кенг жорий этилаётганлиги ҳамда суд-ҳуқуқ ва маъмурий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар Омбудсман мурожаатлари ва хабарларига муносабат билдириш жиҳатидан барча даражалардаги мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини оширди. Бу аризачилар томонидан кўтарилаётган муаммолар тезкорлик ва пухталиқ билан ҳал этилишида, шунингдек мурожаатларни кўриб чиқиш яқунлари хусусида фуқароларнинг парламент Вакили томонидан ўз вақтида ва асослантирилган ҳолда хабардор қилинишида ўз ифодасини топди.

Шу билан бирга, мурожаатларга берилаётган жавоблардан келиб чиққан ҳолда тан олиш керакки, Ўзбекистон аҳолиси ва чет эллик фуқароларнинг мурожаатларига жавоб бериш тартиб-таомили ва муддатларини бузаётган, уларни ҳал этиш учун қуйи идораларига асоссиз ва назоратсиз ўтказиб юбораётган айрим мансабдор шахсларнинг юзаки муносабатда бўлиши ҳамда жавоблар унинг ўринбосарлари ва қуйи бўлинмалари раҳбарлари томонидан имзоланиши ҳоллари барҳам топгани йўқ. Бу ҳолат фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги ҳамда фуқаролар ва ҳокимият тузилмалари ўртасидаги боғловчи элемент бўлган Омбудсман тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун мансабдор шахсларнинг талабчанлиги ва жавобгарлигини ошириш зарурлигини кўрсатади.

Фуқароларнинг парламент Омбудсманга тушган мурожаатларини таҳлил қилиш инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилишига тўсиқ бўлувчи таъсирчан механизмларни кучайтиришга қаратилган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган тадбирларни кенгайтириш зарурлигидан далолат беради:

- *давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳуқуқни қўллаш фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш йўналишида парламент назоратининг барча шакллари ривожлантириш ва чуқурлаштириш;*

- фуқаролик жамияти институтларининг давлат органлари, шу жумладан суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар иши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш соҳасидаги фаолиятини кучайтириш;

- давлат органлари ва жамоат секторининг фуқаролар ҳуқуқий онгини ошириш, жамиятнинг барча қатламларига ҳуқуқий билим беришнинг кенг қамровли тизимини ривожлантириш соҳасидаги фаолияти мувофиқлаштирилишини бундан буён ҳам таъминлаш.

Омбудсман минтақавий вакилларининг фаолияти

Ислохотларни чуқурлаштириш ва турмушнинг барча томонларини модернизация қилиш жараёни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили минтақавий вакилларининг фаолиятини янги мазмун билан бойитишга кўмаклашди. Улар маҳаллий ҳокимият органлари, ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликни мувофиқлаштириш, аҳолини, шу жумладан турли даражадаги мансабдор шахсларни ҳуқуқий ахборотдан хабардор қилиш, фуқаролар манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган давлат сиёсатини амалга оширишда фуқаролик жамияти институтлари билан куч-ғайратни бирлаштириш бўйича мазкур институт мавжуд бўлиб турган етти йиллик даврда шаклланган ёндашувлар ва иш услубларини фаол қўллайдиган бўлиб қолдилар.

Жойларда фуқароларнинг мурожаатларида баён қилинган уларнинг ҳуқуқлари бузилишларини ҳал этиш ва олдини олиш Омбудсман минтақавий вакиллари фаолиятининг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда. Минтақавий вакилларга тобора кўпроқ тушаётган, шунингдек марказий идорага йўлланаётган мурожаатларнинг сабаблари ва хусусиятини изчил ўрганиб бориш фуқаролар, биринчи навбатда, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларга риоя этилиши ва бу ҳуқуқларнинг таъминланиши масалаларида Вакилнинг маҳаллий вакилларига мурожаат этаётганликларидан далолат беради.

2007 йилда парламент Омбудсманининг минтақавий вакиллари томонидан фуқароларнинг **1244** та мурожаати қабул қилиб олинди, улардан бир қисми ҳал этилди, қолганлари юзасидан ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усуллари ва воситалари тушунтирилди, уларнинг ваколатига кирмайдиган бир қатор мурожаатлар кўриб чиқиш учун марказий идорага юборилди (*илова 7*).

Бир қатор минтақаларда, хусусан, Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида фуқароларнинг Омбудсман вакилларига мурожаатлари сони ошганлиги аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ўсганлигидан ва уларнинг маҳаллий ҳокимият органлари, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига, шу жумладан “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг бажарилишини таъминлаш бўйича фаолиятига муносабати яхши томонга ўзгарганлигидан далолат беради. Инсон ҳуқуқлари ва манфаатларига риоя этилиши соҳасида вужудга келган вазият ҳақида минтақавий вакиллар халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларида ахборот бериб бормоқдалар. Омбудсман минтақавий вакилларининг Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида, шунингдек Тошкент шаҳрида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мурожаатлар билан ишлаш масаласига тааллуқли қоидаларини аҳолига тушунтириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бўлинмалари билан биргаликдаги фаолияти марказий

органларга йўлланадиган асоссиз ва такрорий шикоятлар сонини қисқартириш борасида ижобий натижалар берди.

Фуқароларнинг Омбудсман минтақавий тузилмаларига мурожаатлари хусусияти мурожаатларнинг аксарияти ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларни, судда ишларнинг адолат билан кўриб чиқилишига бўлган ҳуқуқларни, эркинлик ва шахсий дахлсизликни таъминлашга, ҳокимият ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига тааллуқли эканлигини кўрсатади (*илова 8*).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан мунтазам услубий ёрдам кўрсатилиши, ресурслар билан ва ташкилий жиҳатдан қўллаб-қувватланиш, чет эллик ҳамкасблар билан тажриба алмашиш имкониятлари Омбудсманнинг минтақавий вакилларига ўз малакаларини ошириш, ички ишлар, прокуратура, адлия, соғлиқни сақлаш органлари, касаба уюшмалари ташкилотлари билан биргаликда шикоятларни текшириш ва тадбирлар ўтказиш, инсон ҳуқуқлари мониторингини, ўқув юртларида мунтазам учрашувларни ўтказиш, минтақалар аҳолисига ҳуқуқий ахборотни етказишнинг турли жиҳатлари хусусида куч ишлатишга ваколатли тузилмаларнинг, оммавий ахборот воситаларининг ходимлари билан суҳбатлар ўтказиш бўйича самарали фаолият олиб бориш имкониятини бермоқда.

Давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг кўп қиррали фаолияти барча йўналишларда инсон ҳуқуқлари турли мезонларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш бўйича ўз вазифаларини бажариш учун давлат органлари билан ҳам, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳам ўзаро фаол ҳамкорлик қилишни назарда тутди.

2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг иккала палатаси билан ишлаш янгича мазмун билан бойиди. Жумладан, Вакил парламент Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари иштирокида миллий қонун ҳужжатларини “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштириш масалаларига бағишланган давра суҳбати ўтказди, суҳбатда чет эллик экспертлар ва Ўзбекистон Омбудсманининг чет эллик ҳамкасблари қатнашдилар. Омбудсман институти вакилларининг қонун ижодкорлиги жараёнида ҳамда назорат-таҳлил фаолиятида, парламент палаталари кўмиталарининг, миллий шерикларнинг турли даражадаги тадбирларида иштирок этиши барқарор анъанага айланди (*илова 9*).

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Бош прокуратураси, Ички ишлар, Адлия ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари ҳамда Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан имзоланган келишувларга мувофиқ фаол ҳамкорлик давом эттирилиб, бу ҳамкорлик аҳолига, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари ҳамда ходимларига, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларига инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳуқуқий ахборотни етказишга доир тадбирларни амалга оширишдан, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва ҳуқуқни қўллаш юзасидан таклифлар тақдим этишдан, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги

қонун ҳужжатларига риоя этилиши мониторингларини амалга оширишдан, фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганлиги ҳақидаги шикоятлари ҳамда аризалари бўйича биргаликда текширишлар ўтказишдан, материалларни эълон қилиш ва адабиётлар нашр этишдан иборат бўлди.

Омбудсманнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан инсон ҳуқуқларига риоя этилишининг аҳволини ўрганиш бўйича Идоралараро ишчи гуруҳига аъзолигидан миллий шерикларни Вакил институти томонидан ўтказилаётган тадбирлар ҳақида тўлароқ хабардор қилиш, Ўзбекистон Республикасининг конвенциялардан келиб чиқадиган мажбуриятларини бажаришга доир ҳаракатларнинг миллий режалари доирасида инсон ҳуқуқларининг турли мезонларини таъминлаш бўйича ишларни мувофиқлаштириш ҳамда махсус маърузаларни тайёрлаш учун фойдаланилди.

Президент И.Каримов ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ташкил этилганлигининг 15 йиллиги арафасида парламент Вакили билан мазкур олий ўқув юрти ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги келишувни имзолаш маросими бўлиб ўтди. Бу таркиб топган ўзаро муносабатларни олдинги алоқалар ва ижобий анъаналарни сақлаб қолган ҳолда шартнома асосида узоқ муддатли ўзганга ўтказиш имкониятини берди. Шунга кўра, ана шу олий ўқув юртини битирувчилар Омбудсман Котибияти ходимлари штатига қабул қилинади, унинг талабалари ҳар йили Вакил идорасида амалиётни ўтайдилар ва иш ўрганадилар, ўқитувчилар ва ходимлари жамоатчилик Эксперт кенгаши фаолиятида ва Омбудсман тадбирларида фаол иштирок этадилар.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакил суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотларда ўз ўрнини аниқлаб олган ҳолда, миллий шериклар ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан биргаликда чет эллик шериклар ва мутахассислар иштирокида “Омбудсманнинг судлар ва ижро этувчи органлар билан ҳамкорлиги: тажриба ва муаммолар” мавзуида конференция ўтказди. Конференция “Омбудсман институти ва парламент, ижро этувчи ҳокимият”, “Омбудсманнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва суд ҳокимияти билан ҳамкорлиги”, “Омбудсман ва фуқаролик жамияти”, “Омбудсманнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат органлари тизимидаги роли” деб аталувчи тўртта пленар сессиядан иборат бўлди. Бунда асосий эътибор

2008 йил 1 январдан эътиборан кучга кирган ўлим жазоси бекор қилиниши ва habeas corpus институти жорий этилишига тааллуқли янги қонунларни амалга ошириш механизмларига қаратилди. Бу янги қонунлар амалга оширилиши ва фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий майдони кенгайиши шароитида Омбудсманнинг судлар ва ижро этувчи органлар, фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлиги ғоят муҳим эканлигини тасдиқлайди.

Парламент Омбудсмани Конституциявий суд ва вилоят ҳокимлиги билан биргаликда Самарқанд шаҳрида “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн беш йиллиги” мавзуида илмий-амалий конференция ўтказди. Конференцияни ўтказишдан мақсад Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қоидаларига риоя этилиши бўйича ҳуқуқ нормаларини қўллаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган таклифларни ишлаб чиқиш ва муҳокама қилишдан, инсоннинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш юзасидан Ўзбекистонда кўрилаётган чоратадбирлар, Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги соҳасидаги

ишлар ҳақида жамоатчиликни хабардор этишдан иборат бўлди. Конференция ишида парламент аъзолари, Конституциявий суд судьялари, вазирликлар, идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органлари ходимларидан ташқари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, минтақадаги нодавлат нотижорат ташкилотлари, олий ўқув юртлари ва илмий марказлар, Самарқанд вилояти оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар ва мунозараларда қатнашдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўртасида тузилган Ҳамкорлик тўғрисидаги келишув доирасида Жазони ижро этиш бош бошқармаси билан биргаликда, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилоти – Ўзбекистон врачлар уюшмаси иштирокида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида пенитенциар муассасаларда сақланаётган шахсларнинг ҳам, тизимнинг ўз ходимларининг ҳам тиббий хизмат кўрсатилишига бўлган ҳуқуқларига риоя этилиши ўрганилди.

Омбудсман ташаббуси билан мамлакатимиз минтақаларида ўтказилаётган сайёр семинар-конференциялар доирасида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Адвокатлар уюшмаси ва бошқалар билан ўзаро ҳамкорлик кучайди.

Омбудсман ва унинг вакиллари кенг даражадаги масалалар бўйича Минтақавий сиёсат фонди ўтказётган тадбирларда фаол иштирок этдилар. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Фермерлар уюшмаси, Ижтимоий мослашув маркази, “Маҳалла”, “Сен ёлғиз эмассан” жамғармалари, “Ижтимоий фикр” маркази каби жамоат ташкилотлари билан алоқалар ва ўзаро ҳамкорлик давом эттирилди.

Омбудсман институтининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Миллий маркази ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан биргаликда “Демократизация и права человека” даврий нашридаги, шунингдек парламентнинг, миллий шерикларнинг журнал ва газеталаридаги иштироки кучайди. Ҳуқуқий билимларни ва Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил фаолиятини тарғиб қилишда парламент ва ҳукумат нашрларидан ташқари, жамоатчилик фикрини шакллантириш ва аҳолининг кенг қатламлари билан алоқада бўлишнинг жиддий воситаси бўлган мустақил нашрлар (“Новости Узбекистана”, “Узбекистан тудей”, “Узрепорт”, “Пресс-Узинфо” ва бошқа) ҳамда партияларнинг оммавий ахборот воситаларининг имкониятларидан ҳам фойдаланилди.

Назорат-таҳлил фаолияти хулосалари ва парламент Омбудсманининг миллий шериклари мавжудлиги халқаро амалиётга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили тузилмасида қўшимча жамоатчилик институти – ихтисослаштирилган омбудсманларни шакллантириш имкониятини берди. Ҳозирги вақтда бундай ҳуқуқни муҳофаза қилиш элементлари базавий ташкилотларда тиббиёт муассасаларининг даволанувчилари ва врачлари, олий ўқув юртларининг талабалари ва профессор-ўқитувчилари, жазони ижро этиш муассасаларидаги маҳкумлар, гумон қилинувчилар ва ушлаб турилган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш учун таъсис этилган.

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳот фуқароларга сифатли тиббий ёрдам кўрсатилишига ҳамда уларнинг даволанувчилар тариқасидаги ҳуқуқлари “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳимоя қилинишини таъминлашга янги талаблар

кўйди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан имзоланган Келишув қоидаларини амалга ошириш мақсадида таъсис этилган даволанувчи ногирон болаларнинг, тез ва шошилиш ёрдам кўрсатиш хизматидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари бўйича омбудсманлар ўзлари тиббиёт ходимлари бўлганлари учун “бемор – шифокор” ишонч муносабатларини ўрнатишда муассасалар маъмуриятларига жиддий ёрдам кўрсатмоқдалар, касалхоналар меҳнат жамоаларида мақбул муносабатларни сақлаб туришга кўмаклашмоқдалар, ҳуқуқий тарғибот йўналишида тушунтириш ва ахборот-тарбия ишларини олиб борибгина қолмай, балки касбий билимларни ошириш борасида кўмаклашмоқдалар.

Ҳисобот даврида улар маъмурият билан биргаликда мурожаатларни кўриб чиқишда фаол иштирок этдилар, мурожаатларнинг аксарияти бўйича тушунтириш ва маслаҳатлар берилди, зарур чоралар кўрилди. Мазкур омбудсманлар Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг услубий раҳбарлиги остида ишладилар, муайян масалаларни ҳал этиш юзасидан Вакилнинг Тошкент шаҳри, Андижон ва Самарқанд вилоятларидаги минтақавий вакиллари билан ҳамкорлик қилдилар.

Парламент Вакили ҳомийлигида университетларнинг ҳам омбудсманлари тузилди. Мамлакатимиздаги тўртта нуфузли олий ўқув юрти – Миллий университет, Тошкент аграр университети, Самарқанд давлат университети ва тиббиёт институти Илмий кенгашларининг қарорлари билан тузилган омбудсманлар ўқув-тарбия жараёнига кўмаклашмоқдалар, шу ўқув юртларининг маърифий ишлари ва маданий ҳаётида фаол иштирок этмоқдалар. Омбудсманлар ректоратлар, бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда талабалар, ўқитувчилар ва ходимларнинг шикоят ва тақлифларини кўриб чиқиб, тарбиявий-ҳуқуқий тадбирларни ўтказиш ташаббускорлари бўлган ҳолда, жамоа билан маъмурият ўртасида ҳамоҳанг муносабат ўрнатилишига кўмаклашмоқдалар. Бу ўқув юртларининг омбудсманлари кўриб чиққан мурожаатлар юзасидан тушунтиришлар берилган ёки ректоратлар ва деканатларнинг қарорлари қабул қилинган. Университетлар омбудсманлари марказий идоранинг ёки минтақавий вакилларнинг барча тадбирларида иштирок этдилар.

Озодликдан маҳрум этиш жойларида жазони ўтаётган шахсларнинг ҳуқуқларига риоя этилишини ва уларнинг ҳимоя қилинишини таъминлаш инсон ҳуқуқлари мониторинги мавзуини танлашда парламент Омбудсмани фаолиятининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги келишувнинг 4-моддасида белгилаб қўйилганки, айбланувчилар, ҳибсга олинганлар ва маҳкумларнинг ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида Жазони ижро этиш бош бошқармасининг жазони ижро этиш муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг вакиллари (маҳкумлар ҳуқуқлари бўйича омбудсман) таъсис этилиши мумкин. Учта тажрибавий-таянч ташкилот – Зангиота тарбия ва аёллар колонияси, Бухоро шаҳар тергов ҳибсхонаси белгилаб олинди, бу муассасалар омбудсманлигига номзодлар танланди. Мазкур омбудсманлар Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил институти мамлакатимиздаги ва чет эллик шериклар билан ҳамкорликда минтақавий вакиллар ва экспертлар учун ўтказиётган тадбирларда иштирок этдилар. Болалар колонияси ва тергов ҳибсхонаси омбудсманлари Олий Мажлис Вакилининг пенитенциар тизим муассасаларида ўтказиётган доимий мониторингида иштирок этдилар.

2008 йилда бир қатор чет давлатларнинг мазкур соҳадаги ихтисослаштирилган омбудсманлари идораларида уларнинг ўқуви-иш ўрганишини ташкил этиш режалаштирилган.

Ахборот-маърифий фаолият

Ҳуқуқий маданиятни юксалтириш масалалари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолиятининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда (*илова 10*).

“Инсон ҳуқуқларига риоя этилиши ва уларнинг муҳофаза қилинишини таъминлаш соҳасида Омбудсман билан давлат органлари ва ноҳукумат ташкилотлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг долзарб масалалари” ҳамда “Назоратни ташкил этиш ва маҳбусларнинг ҳуқуқларига риоя этилиши соҳасида жазони ижро этиш тизимини такомиллаштириш” мавзуларидаги сайёр семинар-конференциялар 2007 йил мобайнида давом эттирилиб, бунга қўшимча равишда пенитенциар муассасаларда мониторинг ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари билан учрашувлар, ҳокимликлар ходимлари, фермерлар, олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг ўқувчилари, жамоат ташкилотлари вакиллари билан суҳбатлар ўтказилди.

2007 йил 27 ноябрда Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қоидаларига риоя этилиши бўйича ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, инсоннинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Ўзбекистонда кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида жамоатчиликни хабардор қилишга доир таклифларни ишлаб чиқиш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн беш йиллиги» мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди. Конференция ишида парламент аъзолари, Конституциявий суд судьялари, вазирликлар, идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органларининг ходимларидан ташқари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, минтақавий нодавлат нотажорат ташкилотлари, олий ўқув юртлари ва илмий марказлар, Самарқанд вилояти оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар ва мунозараларда катнашдилар.

Парламент Омбудсмани томонидан миллий шериклар ва ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари Мувофиқлаштирувчи билан ҳамкорликда ташкил этилган «Омбудсманнинг суд ва ижро этувчи органлар билан ўзаро ҳамкорлиги: тажриба ва муаммолар» мавзуида халқаро конференция ўтказилди. Янги қонунларнинг амалга оширилиши ҳамда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳуқуқий майдони кенгайтирилиши шароитида Омбудсманнинг судлар ва ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиши долзарб масала бўлиб қолмоқда. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш борасидаги миллий тажриба ҳақида Ўзбекистон парламенти депутатлари ва сенаторлар, Адлия ва Ички ишлар вазирликлари, Бош прокуратура, Олий суд, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Хотин-

қизлар қўмитаси ва бошқа миллий шерик ташкилотлар вакиллари, омбудсман институтлари фаолиятининг хорижий амалиёти ҳақида эса – Россия Федерациясининг Свердловск вилояти, Словакия Республикаси, Шимолий Ирландиядан келган ҳамкасблар маърузалар қилдилар.

Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил томонидан ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари Мувофиқлаштирувчиси билан ҳамкорликда тайёрланган, ўзбек тилида нашр этилган «Дунё омбудсманлари» тўпламининг тақдироти бўлиб ўтди. Ушбу тўпламга Европадаги (Озарбайжон, Бельгия, Болгария, Венгрия, Буюк Британия, Дания, Испания, Литва, Польша, Португалия, Нидерландия, Чехия, Словакия, Словения, Швеция, Эстония), Шимолий ва Жанубий Америкадаги (АҚШ, Канада, Мексика, Аргентина) 20дан ортиқ мамлакат, Австралия омбудсманлари, олимлари ва амалиётчиларининг материаллари, шунингдек Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил институтининг асосий шаклланиш босқичларини акс эттирувчи Ўзбекистон тажрибаси, Ўзбекистон Омбудсмани тўғрисидаги янги қонун, Олий Мажлис Вакили чет эл омбудсманлари, хусусан Россия, Швеция, Озарбайжон, Польша, Латвия ва Словакия омбудсманлари билан тузган ҳамкорлик тўғрисидаги битимларнинг матнлари киритилди.

Ҳисобот даврида Вакил, унинг ходимлари ва чет эллик шериклари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Юристар малакасини ошириш институтида, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармасининг ўқув марказида чиқишлар қилиб, омбудсман, парламент, шунингдек инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар ҳақида ахборот бердилар.

Омбудсман ва унинг ходимлари ёшлар орасида ҳуқуқий билимларни ёйишга эътиборни кучайтириб, талабалар аудиторияларида тез-тез чиқишлар қилдилар. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида келишувни амалга ошириш доирасида мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганлигининг 15 йиллиги арафасида мазкур олий ўқув юрти битирувчи курсларининг талабалари билан навбатдаги «мастер-класс» машғулоти ўтказилди. Шунини айтиш керакки, бундай машғулотларни ўтказиш чоғида Омбудсманнинг ўзи, Инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши комиссияси аъзолари, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил Котибиятининг ходимлари иштирок этиши назарда тутилган. Ишнинг бу шакли талабаларга бевосита «биринчи манбадан» ахборот олиш, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил институтининг амалий иши, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш бўйича иш услублари билан танишиш имкониятини бермоқда, бошқа томондан, тингловчиларнинг савол ва фикрлари Омбудсман институти фаолиятининг янги шакллари қидириб топишга кўмаклашмоқда.

Омбудсманнинг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиги янада кенгайди ва чуқурлашди. Вакил институти фаолияти тўғрисидаги материаллар матбуот ва электрон оммавий ахборот воситалари, парламент ва ҳукумат нашрлари, «Демократизация и права человека», «Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари», «Адвокат», «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Ахборотномаси», «Қалқон» журналлари, «Ўзбекистон тудей», «Новости Узбекистана», «Ишонч» - «Доверие» газеталари ҳамда минтақавий матбуот, Интернет тармоғида ЎЗА, «Жаҳон», «Пресс -

Узинфо», «Узрепорт» ахборот агентликларининг сайтларида, маҳаллий теле- радиоканаллари орқали ёритиб борилди.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳамкорлик

2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг халқаро ҳамкорликни ривожлантириш соҳасидаги фаолияти Ўзбекистондаги демократик ислохотларни чуқурлаштириш жараёнларидан чет эл жамоатчилигини хабардор қилишга, чет мамлакатлар омбудсманлари ва инсон ҳуқуқлари бўйича институтлари билан икки томонлама ва кўп томонлама алоқаларни ривожлантиришга қаратилди (*илова 11*).

Чет мамлакатлар делегацияларининг ташрифларини ва уларни қабул қилишни ташкил этиш тўғрисидаги маълумотлар Омбудсман халқаро алоқалари миқёсининг муайян кўрсаткичи ҳисобланади. Ўтган даврда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили томонидан расмий делегацияларни, чет давлатлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари кутиб олишга, халқаро ноҳукумат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотларнинг вакиллари билан учрашувлар ва суҳбатларга бағишланган салкам 30 та қабул ўтказилди. Йил мобайнида ЕХХТ, Европарламент, АҚШ Давлат департаменти, Буюк Британия Ташқи ишлар вазирлиги, Франция Ташқи ишлар вазирлиги, Германия Бундестаги ва Федерал ҳукумати, шунингдек Испания, Россия, Озарбайжон, Словакия, Шимолий Ирландия (Буюк Британия), Свердловск вилояти (Россия) расмий делегациялари, Италия, Нидерландия, Словакия, АҚШ, Франция, Япониянинг Ўзбекистондаги элчилари, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари Мувофиқлаштирувчиси, Ўзбекистондаги «Европа уйи» раҳбари қабул қилинди. Халқаро ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлар ва чет мамлакатларнинг ноҳукумат ташкилотлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида Омбудсман «Хьюмон Райтс Вотч», К.Аденауэр ва Ф.Эберт номидаги жамғармалар. «Иегова шоҳидлари» диний ташкилоти, Шарқий Кентукки университетининг «Очиқ мулоқот» лойиҳаси делегациялари билан учрашув ва суҳбатлар ташкил этди.

Халқаро омбудсман муассасалари билан ҳам Халқаро омбудсман институти, ҳам Европа омбудсман институти доирасида яқин ҳамкорлик алоқалари давом эттирилди. Халқаро омбудсман муассасалари билан ҳамкорлик омбудсман институти тўғрисида ахборот, материаллар, адабиётларни айирбошлаш, раҳбар органларнинг сайланиши ҳамда инсон ҳуқуқлари ва омбудсманлар фаолияти масалаларига бағишланган тадбирларда қатнашиш орқали амалга оширилди. Жумладан, Халқаро омбудсман институтининг вице-президенти, Шимолий Ирландия омбудсмани Т.Фроли «Омбудсманнинг суд ва ижро этувчи органлар билан ўзаро ҳамкорлиги: тажриба ва муаммолар» мавзуидаги халқаро конференцияда фаол иштирок этди.

Ҳисобот даврида Омбудсман «Ўзбекистон – Европа Иттифоқи» Парламент ҳамкорлиги қўмитасининг 2007 йил 19-20 март кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган олтинчи мажлиси ишида иштирок этди. Мажлис кун тартибига бошқа масалалар билан бир қаторда демократик институтларнинг шаклланиши ва инсон ҳуқуқларига риоя этилиши масалалари киритилган бўлиб, ушбу масалалар юзасидан Омбудсман томонидан ахборот тақдим этилди ва кенг фикр алмашилди.

2007 йилда чет мамлакатлар омбудсманлари ва инсон ҳуқуқлари бўйича институтлар билан ўзаро ҳамкорлик давом эттирилди. Россия Федерациясидаги Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил билан ҳамкорлик тўғрисидаги битимни рўёбга чиқариш мақсадида Ўзбекистон Омбудсмани делегациясининг Россияга ташрифи амалга оширилди. Ҳисобот даврида шунингдек “Омбудсманнинг суд ва ижро этувчи органлар билан ўзаро ҳамкорлиги: тажриба ва муаммолар” мавзусидаги халқаро конференция ишида иштирок этиш учун Свердловск вилоятидаги (Россия) Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил Т.Г.Мерзлякова бошчилигидаги делегация юртимизга ташриф буюрди. Конференция пайтида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат органлари ва жамоат тузилмаларининг ўзаро ҳамкорлиги борасида Россия тажрибаси ҳақида ахборот тингланди. Ташриф доирасида Омбудсманнинг минтақавий вакиллари учун фуқаролар шикоятларини кўриб чиқиш ва текшириш услубиётини такомиллаштириш масалалари бўйича семинар-тренинг ўтказилди.

Узоқ муддатли алоқалар ўрнатиш ҳамда уларга мунтазамлик хусусиятини бахш этиш мақсадида 2007 йил июль ойида Омбудсманнинг биринчи ўринбосари М.Л.Кава де Ллано бошчилигидаги Испания Халқ ҳимоячисининг делегацияси Ўзбекистонга ташриф буюрди. Ташриф чоғида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатида, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида учрашувлар бўлиб ўтди, меҳмонлар омбудсман тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш масаласига бағишланган халқаро давра суҳбати ишида иштирок этдилар. 2007 йил октябрь ойида Халқ ҳимоячисининг таклифига биноан ва ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари Мувофиқлаштирувчисининг кўллаб-қувватлаши туфайли Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили делегациясининг Испанияга ташрифи амалга оширилди. Ташриф чоғида Ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди. Битим инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолият ҳақида ахборот, материаллар айирбошлашни, иккала мамлакат фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида ҳамкорлик қилишни, инсон ҳуқуқлари масалалари юзасидан биргаликда тадқиқотлар, конференциялар, семинарлар, маслаҳатлашувлар ўтказишни назарда тутди.

Ҳисобот даврида семинар-конференциялар ўтказиш, китоблар нашр этиш ва чет эллик экспертларни таклиф этиш борасида Конрад Аденауэр номидаги Жамғарманинг минтақавий вакиллиги ва ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари Мувофиқлаштирувчиси билан ҳамкорлик давом эттирилди.

Ҳисобот йилида Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилга чет эллик ҳамкасблардан инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини тиклашга ёрдам бериш масалалари бўйича 42 та мурожаат ва сўров тушди. Шу жумладан, Россия Федерациясидаги Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилдан, Астрахан, Калининград, Пермь, Свердловск, Смоленск вилоятларидаги инсон ҳуқуқлари бўйича минтақавий вакиллар, Озарбайжон Республикасининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, Қозоғистон Республикасининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, Молдова Парламент адвокати, Қирғиз Республикаси Омбудсмани, Россия, Қозоғистон, Украина фуқароларидан мурожаат ва сўровлар келди.

2007 йилда Ўзбекистон Омбудсмани фаолияти тўғрисида халқаро жамоатчиликни тезкор хабардор қилиб бориш мақсадида ахборот ва материалларни ахборот агентликларининг, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи институтларнинг сайтларида,

омбудсман ташкилотларининг янгиликлар саҳифаларида жойлаштириш ишлари давом эттирилди.

Хулоса

Мамлакат ҳаётида воқеаларга бой бўлган 2007 йил Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) институти учун жиддий фаолият босқичи бўлди.

Ҳисобот йили бошида парламент Омбудсмани томонидан ўз фаолиятини янада ривожлантириш учун белгилаб олинган устувор йўналишлар, хусусан, миллий қонунчиликни такомиллаштиришда кўмаклашиш, биринчи навбатда, шериклик ва ҳамкорлик принциплари асосида фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқларини таъминлаш борасида фаолият йўналишларини кенгайтириш ҳамда давлат ҳокимияти органлари, фуқаролик жамиятининг турли унсурлари билан ҳамкорликни чуқурлаштириш, инсоннинг турли тоифадаги ҳуқуқларига риоя этилиши соҳасидаги мониторинг тадқиқотларини чуқурлаштириш ва натижадорлигини ошириш, халқаро эътироф этилган стандартларга мувофиқ омбудсман институти барча тузилмаларининг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш ва фаолиятнинг самарадорлигини таъминлаш 2007 йил Ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилинганлиги ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилди.

Бироқ парламент Омбудсмани институтининг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш ҳамда унинг фаолиятини норматив ҳужжатлар ва бугунги кун талабларига мувофиқ таъминлаш йўналишидаги вазифаларнинг бир қисми ҳал этилмай қолди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) институти 2008 йилда ўзи учун қуйидаги устувор йўналишларни белгилайди:

– мамлакатимиз фуқароларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга тааллуқли миллий қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга кўмаклашиш;

– 2008 йил Ёшлар йили деб эълон қилинганлигини ҳисобга олган ҳолда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш бўйича давлат ҳокимияти органлари, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни чуқурлаштириш ва кенгайтириш;

– халқаро эътироф этилган стандартларга мувофиқ омбудсман институти барча тузилмаларининг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш ҳамда самарали фаолиятини таъминлаш;

– жаҳоншумул аҳамиятга молик воқеаларни – Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллиги ҳамда дунёда омбудсман институти таъсис этилганлигининг 200 йиллигини инобатга олиб халқаро ҳамкорликни чуқурлаштириш ва кенгайтириш.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг фаолияти давлат ҳокимияти органлари, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари, шунингдек халқаро ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлар билан самарали ҳамкорлик олиб борилган ҳолда Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш жараёнлари билан бевосита боғлиқ бўлди, инсон

хуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсати ғояларини фаоллик билан олға силжитишга қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакилининг (омбудсманнинг) 2007 йилдаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботнинг тўлиқ матни билан Омбудсман Котибиятида танишиш мумкин.